БУТУН ДУН'Ё ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 83 (574)
27 АПРЕЛЬ ЖУМА 1956 ЙИЛ
БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

СССР ТАРАҚҚИЁТИНИНГ 1951—1955 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН БЕШИНЧИ БЕШЙИЛЛИК ПЛАНИНИНГ ПАРТИЯ XIX С'ЕЗДИ ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ТОПШИРИҚЛАРИ МУВАФФАҚИЯТЛИ БАЖАРИЛДИ, КЎПГИНА ЭНГ МУҲИМ КЎРСАТКИЧЛАР БЎЙИЧА ЭСА АНЧА ОШИРИБ БАЖАРИЛДИ.

СССР ТАРАҚҚИЁТИ БЕШИНЧИ БЕШЙИЛЛИК ПЛАНИ ТОПШИРИҚЛАРИНИНГ МУВАФФАҚИЯТЛИ БАЖАРИЛГАНЛИГИ МАМЛАКАТИМИЗНИНГ КОММУНИЗМ САРИ РИВОЖЛАНИБ БОРИШ ЙЎЛИДА КАТТА ҚАДАМ БЎЛДИ ВА СОЦИАЛИСТИК ЖАМИЯТНИНГ БУЮК ИЖОДИЙ КУЧИНИ ҲАМДА СОЦИАЛИСТИК ХЎЖАЛИК СИСТЕМАСИНИНГ КАПИТАЛИСТИК ХЎЖАЛИК СИСТЕМАСИГА НИСБАТАН УСТУНЛИГИНИ ЯНА БИР МАРТА НАМОЙИШ ҚИЛИБ КЎРСАТДИ.

## СССР тараққиётининг 1951—1955 йилларга мўлжалланган бешинчи бешйиллик планининг бажарилиш якунлари тўғрисида

### СССР Министрлар Советининг халқ хўжалигини перспектив планлаштириш Давлат комиссияси ва СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Марказий статистика бошқармасининг ахбороти

СССР тараққиётининг 1951—1955 йилларга мўлжалланган бешинчи бешйиллик планининг партия XIX с'езди томонидан қабул қилинган топшириқлари муваффақиятли бажарилди. кўпгина энг муҳим кўрсаткичлар бўйича эса анча ошириб бажарилди.

Бешинчи бешйиллик планнинг бажарилиши натижасида Совет Иттифоқи халқ хўжалиги тараққиётининг урушдан авалги даражасидан ғоят ўзиб кетди. 1955 йилда саноат маҳсулоти 1940 йилдагига нисбатан 3,2 баравар кўпроқ ишлаб чиқарилди; шу блан бирга ишлабчиқариш воситалари ишлаб чиқариш 3,9 баравар кўпайди. Оғир индустриянинг муваффақиятли суратда ривожланганлиги ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг ортганлиги бешйилликнинг охирига келиб, халқ исте'моли буюмлари ишлаб чиқаришни урушдан аввалдагига нисбатан 2 баравардан зиёд кўпайтиришни та'минлади. Аҳолининг жон бошига маҳсулот ишлаб чиқариш миқдори жиҳатдан СССР энг тараққий этган капиталистик мамлакатлардан ҳали кейинда қолаётган бўлса ҳам, саноат маҳсулотининг кўпгина энг муҳим турларини ишлаб чиқариш жиҳатидан СССР Европадаги барча мамлакатлардан кўп даражада ўзиб кетди.

Бешинчи бешйилликда давлат томонидан сарфланган капитал маблағларнинг умумий ҳажми (1955 йил 1 июльдаги нархларда) урушдан аввалги барча бешйилликлардаги 322 миллиард сўм ўрнига 594 миллиард сўмни ташкил этди ва тўртинчи бешйилликда сарфланган капитал маблағларнинг ҳажмига нисбатан 91 процент кўпайди.

Бешинчи бешйиллик даврида совет халқининг турмуш даражаси анча кўтарилди. 1955 йилда СССРнинг миллий даромади 1940 йилдагига нисбатан 2,8 баравар ортиқ бўлди. Шу давр ичида давлат ва кооператив савдосидаги чакана товар обороти 2 баравардан зиёд ортди.

Бешинчи бешйилликда СССР нинг ташқи савдоси ривожланаборди. 1955 йилда ташқи савдо обороти 1950 йилдагига нисбатан қарийб икки марта кўпайди. Шу блан бирга СССРдан машина ва асбоб-ускуналар, шунингдек қора ва рангли металлар чиқариш беш йил ичида 2,7 баравар ортди. СССР ташқи савдо-сотиқ қилаётган мамлакатларнинг доираси анча кенгайди.

Халқ хўжалигининг айрим тормоқлари бўйича, халқнинг моддий фаровонлигини ошириш, соғлиғини сақлаш ва маданий савиясини кўтариш бўйича бешинчи бешйиллик планнинг бажарилиши қуйидагича характерланади.

### I. Саноат соҳасида

1. Бешинчи бешйиллик планнинг саноат ишлабчиқариши даражасини тахминан 70 процент ошириш юзасидан берган топшириқлари муддатдан илгари, 4 йилу 4 ой очида бажарилди. 1955 йилда саноат ишлабчиқаришининг ҳажми 1950 йилдагига нисбатан 85 процент кўпайди. Шу блан бирга ишлабчиқариш воситалари («А» группа) ишлаб чиқариш беш йил мобайнида 91 процент ва исте'мол буюмлари («Б» группа) ишлаб чиқариш 76 процент ортди.

Бешйиллик планнинг саноат маҳсулотининг энг муҳим турларини — пўлат, қора металлар прокати, алюминий ишлаб чиқариш, кўмир, нефть, торф, сланец, электр қуввати, машинасозлик маҳсулоти ва металл ишлаш, автомобильлар, тракторлар, кальцийланган сода, цемент, шифер, текис ойна, қоғоз, шерсть газлама, консервалар ва бошқа маҳсулот турларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш юзасидан берилган топшириқлари тўла ва ошириб бажарилди. Шу блан бирга маҳсулотнинг айрим турлари бўйича бешйиллик план топшириқлари тўла бажарилмади.

2. 1951—1955 йилларда саноатга сарфланган капитал маблағлар ҳажми 1946—1950 йилларда сарфланган капитал маблағлар ҳажмидан қарийб 2 баравар кўпайди.

Бешинчи бешйиллик мобайнида уч мингдан ортиқ янги йирик саноат корхоналари қурилди ва ишга туширилди. Ишлаб турган корхоналарда агрегатларни реконструкция қилиш, ишлабчиқаришни механизациялаштириш ва интенсивлаштириш, асбоб-ускуналарни алмаштириш ёки янгиларини ўрнатиш ва бошқа хилдаги ташкилий-техника тадбирларини амалга ошириш ҳисобига ишлабчиқариш қувватлари оширилди. Аммо, саноатнинг кўпгина тормоқларида капитал қурилиш ҳисобига ишлабчиқариш қувватларини ишга тушириш плани анча бажарилмай қолди.

Саноатнинг барча тормоқларидаги техника даражаси ўсди, ишлабчиқариш процессларини автоматлаштириш оширилди, кўп меҳнат талаб этадиган оғир ишларни механизациялаш даражаси кўтарилди, юқори унумли янги машина ва механизмлар, илғор технология процесслари ва ишлабчиқаришни ташкил қилишдаги илғор методлар жорий қилинди. Тинчлик мақсадларида атом энергиясидан фойдаланишга киришилди. Шу блан бирга техникани тараққий эттириш сур'атлари етарли бўлмади, янги техника етарли даражада жадаллик блан ишлаб чиқилмади ва халқ хўжалигига суст жорий қилинди.

3. Бешинчи бешйиллик мобайнида ишлабчиқарувчи кучларни жойлаштириш бирмунча яхшиланди. Саноатни хомаш'ё ва ёқилғи манба'ларига янада яқинлаштириш мақсадида шарқий районларда қурилиш янада тез сур'атлар блан амалга оширилди. 1951—1955 йилларда Урал районларида сарфланган капитал маблағларнинг умумий ҳажми тўртинчи бешйилликдагига нисбатан 2,2 баравар, Ғарбий Сибирьда 2,3 баравар, Шарқий Сибирьда 2,1 баравар, Ўрта Осиё ва Қозоғистонда 2,2 баравар ортди.

Шу блан бирга бешйиллик планнинг саноат корхоналарини географик жиҳатдан жойлаштиришни яхшилаш юзасидан берган топшириқлари бирқанча тормоқларда қониқарсиз бажарилди. Кўп миқдорда ёқилғи ва энергетика ресурсларига эга бўлган Сибирь районларида электр қувватини ва ёқилғини кўп ишлатадиган ишлабчиқариш корхоналари суст ривожланди. Шарқий районларда енгил ва озиқ-овқат саноатини ривожлантириш етарли сур'атлар блан амалга оширилмади. Бу ҳол халқ исте'моли товарларини СССРнинг Европа қисмидан ортиқча ташиб келтиришларга сабаб бўлди.

СССРнинг Европа қисмидаги районларда ёқилғи саноати тараққиёти ва гидроэлектростанциялар қурилиши ана шу районлар хўжалигининг ёқилғи ва электр қувватига бўлган ва ўсиб борган эҳтиёжларидан кейинда қолди.

4. **Қора металлургия** соҳасида бешйиллик планнинг пўлат ва прокат ишлаб чиқариш юзасидан берган топшириқлари ошириб бажарилди, чўян бўйича берилган топшириқлар эса бирмунча бажарилмай қолди. 1955 йилда 33 миллион тонна чўян, 45 миллион тонна пўлат ва 35 миллион тонна прокат ишлаб чиқарилди. Пўлат қуйиш 1950 йилдагига нисбатан бешйиллик планда кўрсатилган 62 процент ўрнига 66 процент кўпайди, прокат ишлаб чиқариш 64 процент ўрнига 69 процент ортди ва чўян қуйиш бешйиллик планда кўрсатилган 76 процент ўрнига 74 процент кўпайди.

Қалин пўлат ишлаб чиқариш беш йил ичида 88 процент, майда сортли пўлат ишлаб чиқариш 2 баравар, катанкалар ишлаб чиқариш 2,1 баравар, зангламайдиган пўлат ишлаб чиқариш 2,8 баравар ва трансформатор пўлати ишлаб чиқариш 2,3 баравар кўпайди.

Прокатнинг сортлари кўпайди. Ўтган бешйиллик мобайнида металлурглар пўлатнинг салкам 150 та янги маркасини ишлаб чиқардилар. Аммо, металлнинг халқ хўжалиги учун керакли ва энг тежамли янги профильлари ва маркаларини ишлаб чиқариш суст ўзлаштирилди.

Қора металлургия корхоналарида металлургия процессларини интенсивлаштириш, металлургия агрегатларини автоматлаштириш ва кўп меҳнат талаб этадиган оғир ишларни механизациялаштириш соҳасидаги ишлар давом эттирилди. 1955 йилда домна печьларининг фойдали ҳажмини ишлатиш коэффициенти 1950 йилдагига нисбатан 22 процент ортди, мартен печи майдонининг 1 квадрат метридан бир суткада олинган пўлатнинг ўртача миқдори 22 процент кўпайди. Шу блан бирга металлургия процессларини интенсивлаштириш учун кислороддан фойдаланиш доираси суст кенгайтирила борилди, конлардаги ишларни комплекс механизациялаштириш суст жорий қилинди.

Бешинчи бешйилликда чўян, кокс, темир рудаси ва қора металлар прокати бўйича ишлабчиқариш қувватларини ишга тушириш тўртинчи бешйилликда ишга туширилган қувватлардан ортиб кетди, лекин белгиланган топшириқлар анча бажарилмай қолди. Жануб, Урал, Сибирь ва Марказий районларда, шунингдек Закавказье районлари ва Шимолий районларда қора металлургия тобора ривожланди. Закавказье металлургия заводини ва Боку трубопрокат заводини қуриш асосан тамомланди, Череповецк металлургия заводида ва Орск-Халиловск металлургия комбинатида биринчи домна печьлари ишга туширилди.

5. **Рангли металлар** ишлаб чиқариш бешинчи бешйилликда анча ўсди. 1955 йилда тозаланган мис ишлаб чиқариш 1950 йилдагига нисбатан 53 процент, алюминий ишлаб чиқариш 2,8 баравар, қўрғошин ишлаб чиқариш 2,3 баравар, рух ишлаб чиқариш 2 баравар, никель ишлаб чиқариш 37 процент кўпайди. Шу блан бирга бирқанча рангли металлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш юзасидан берилган топшириқлар бажарилмай қолди.

Рангли металлар ишлаб чиқаришдаги ўсишнинг анча қисмига ишлаб турган корхоналарни кенгайтириш, технология процессларини интенсивлаштириш ва ишлабчиқариш қувватларидан фойдаланишни яхшилаш йўли блан эришилди. Бешинчи бешйилликда юқори частотали металлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди ва ташкил қилинди, юқори маркали металлар чиқариш салмоғи ошди. Кон ишларини механизациялаштириш даражаси кўтарилди. 1955 йилда рангли металлургия конларида руда ва тош-тупроқни чиқариб олиш ишлари 1950 йилдаги 45 процент ўрнига 74 процент, тозалаш ишлари олиб бориладиган забойлардан рудаларни етказиб бериш 1950 йилдаги 65 процент ўрнига 92 процент механизациялаштирилди. Лекин шунга қарамай кон-руда корхоналарида қўл меҳнатидан ҳали ҳам анча кўп миқдорда фойдаланилмоқда. Рудаларни саралаш корхоналари ва металлургия корхоналаридаги агрегатларнинг ишларини автоматлаштириш соҳасидаги тадбирлар, шунингдек хомаш'ёдан комплекс фойдаланишни та'минлаш ва рангли ҳамда нодир металларнинг нобуд бўлишини камайтириш мақсадида рангли металлургия корхоналарини қўшимча равишда ускуналаш соҳасидаги ишлар етарли даражада амалга оширилмади.

6. **Электрлаштириш соҳасида** бешйиллик планнинг электр қуввати ишлаб чиқариш ҳақидаги топшириғи ошириб бажарилди. 1955 йилда 170 миллиард киловатт-соат электр қуввати ёки 1950 йилдагига нисбатан 87 процент кўпроқ электр қуввати ишлаб чиқарилди.

Бешйиллик мобайнида район гидроэлектростанцияларида 2.534 минг киловатт миқдоридаги қувват ишга туширилди. Каховка ГЭСининг биринчи навбати муддатидан олдин қурилиб, эксплуатацияга топширилди. 1955 йилда дун'ёдаги энг йирик гидроэлектростанцияларнинг бири бўлган Куйбишев ГЭСидаги биринчи агрегат саноатга электр қуввати берабошлади; 400 минг вольтли Куйбишев — Москва линияси қурилди.

Сталинград, Новосибирск ва Бухтарма гидроэлектростанциялари қурилиши, шунингдек Ангара дар'ёсида Иркутск ГЭСи қурилиши кучайтириб юборилди.

Уралда, Кузбассда, Жанубда, Марказда ва мамлакатнинг бошқа районларида йирик теплоэлектростанциялар қурилди ва ишга туширилди. Бу электростанцияларда пар турбиналари ва юқори параметрли пар қозонлари ўрнатилди.

Шаҳарларни ва саноат корхоналарини теплофикация қилиш учун 23 район теплоэлектроцентрали қуриб ишга туширилди. Район электростанцияларидаги теплофикация агрегатларининг қуввати беш йил ичида 2 баравардан зиёд ортди.

Дун'ёда биринчи бўлган ва 5.000 киловатт қувватга эга бўлган саноат атом электростанцияси ишга туширилди.

Барча район гидроэлектростанцияларида агрегатларни бошқаришни автоматлаштириш тугалланди, тепловой электростанцияларда автоматлаштириш ва энергетика системаларидаги диспетчерлик пунктларини, гидроэлектростанцияларни ва подстанцияларни телемеханизация қилиш амалга оширилди. Шу блан бирга тепловой электростанцияларда, хусусан ёқилғи хўжалигида кўп меҳнат талаб этадиган ёрдамчи ишлар етарли даражада механизация қилинмади.

Мамлакатни электрлаштириш анча ўсганлигига қарамай, бешинчи бешйилликда энергетика хўжалигининг саноат ишлабчиқаришининг ўсишига нисбатан тезроқ ривожланишига эришилмади. Электростанцияларни ишга тушириш ҳақидаги топшириқлар гидроэлектростанциялар қурилишининг орқада қолиши сабабли бажарилмай қолди. Электр ва тепловой шохобчалар қурилиши ҳам кейинда қолди. Бирқанча энергетика системаларида электр қувватларининг зарур резервлари вужудга келтирилмади, мамлакатнинг айрим районларида электр қувватининг етишмаганлиги сезилди.

7. Бешйиллик планнинг **нефть** чиқаришни кўпайтириш ҳақидаги топшириғи ошириб бажарилди. 1955 йилда 71 миллион тонна нефть чиқарилди. Бу эса 1950 йилда чиқарилган нефть миқдоридан 87 процент ортиқдир.

Нефть саноатини тез сур'атлар блан ривожлантиришга кўп нефть берадиган янги конларни топиш ва уларни саноат усулида ишлаш асосида ва нефть конларини эксплуатация қилишдаги прогрессив методларни кенг қўлланиш асосида эришилди. Волга бўйи ва Урал районларининг умуман нефть чиқаришдаги салмоғи 1950 йилдаги 29 процентдан 1955 йилда 57 процентгача ортди. Қатлам босимини сақлаб туриш учун нефть қатламларига сув бостириш усули кенг ривожланди. Эксплуатацион пармалаш тезлиги бешйиллик мобайнида 42 процент ва разведка мақсадида пармалаш тезлиги 46 процент ортди ва шу блан бирга нефть қудуқларининг ўртача чуқурлиги анча ортди. Нефть қудуқларини прогрессив турбина усули блан пармалаш даражаси умумий пармалаш ҳажмига нисбатан 83 процентга етди.

Аммо, нефть чиқаришни янада кўпайтириш учун мавжуд резервлардан етарли даражада фойдаланилмади. Қатламларни гидравлик усулда қисиб нефть чиқариш методлари ва эски нефть конларини эксплуатация қилиш эффектини ошириш методлари суст қўлланилди, пармалаш ишларини ташкил қилишдаги илғор тажрибалар суст ёйилди ва пармалашнинг янги методлари жадал ишлаб чиқилмади.

(ДАВОМИ ИККИНЧИ БЕТДА)

## *СССР ва Буюк Британия раҳбарлари ўртасида музокаралар*

ЛОНДОН, 24 апрель. **(ТАСС махсус мухбири).** Бугун бу ерда СССР Министрлар Совети Раиси Н. А. Булганин ва СССР Олий Совети Президиумининг А'зоси Н. С. Хрушчев блан Буюк Британия Бош Министри А. Иден ва Англиянинг бошқа раҳбарлари ўртасида олиб борилган музокаралар тўғрисида ҳар иккала томон келишиб тузилган ахборот э'лон қилинди.

Ахборотда бундай дейилади:

«24 апрель эрталаб Даунинг стрит, 10 да Совет ва Англия раҳбарлари ўртасида навбатдаги учрашув бўлди.

Учрашувда совет томонидан Н. А. Булганин, Н. С. Хрушчев, Н. А. Михайлов, А. А. Громико, Я. А. Малик, П. Н. Кумикин, Л. Ф. Ильичев, В. Я. Ерофеев, В. А. Каменский, В. С. Лебедев, О А. Трояновский ҳозир бўлдилар;

Англия томонидан А. Иден, Р. Батлер, Селвин Ллойд, П. Торникрофт, Н. Брук, А. Киркпатрик, У. Хэйтер, Д. Янг, Г. Холер ва Т. Бримлоу ҳозир бўлдилар.

Учрашув вақтида Англия-Совет савдоси масаласи муҳокама қилинди, шунингдек маданий алоқалар масаласини ва қуролсизланиш масаласини муҳокама қилиш давом эттирилди.

* * *

ЛОНДОН, 25 апрель **(ТАСС махсус мухбири).** Бугун буерда СССР Министрлар Совети Раиси Н. А. Булганин ва СССР Олий Совети Президиуми А'зоси Н. С. Хрушчевнинг Буюк Британия Бош министри А. Иден ва Англиянинг бошқа раҳбарлари блан олиб борган музокаралари тугаллланганлиги тўғрисида иккала томон ўртасида келишилган ахборот э'лон қилинди.

Ахборотда бундай дейилади:

«Бугун тушдан кейин Англия-Совет музокараларининг охирги даври тамом бўлди.

Музокараларнинг натижалари тўғрисида эртага кечқурун совет раҳбарлари Шотландияга қилган сафардан қайтиб келганларидан кейин э'лон қилинади».

## Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчевнинг Англияда бўлиши

ЛОНДОН, 25 апрель. **(ТАСС махсус мухбири).** СССР Министрлар Совети Раиси Н. А. Булганин ва СССР Олий Совети Президиуми А'зоси Н. С. Хрушчевнинг Англияга келганларига бугун саккиз кун бўлди. Бу кун бош министр сэр Антони Иденнинг Даунинг-стрит, 10 даги резиденциясида Совет Иттифоқи раҳбарлари блан Буюк Британия раҳбарлари ўртасида янги учрашув блан бошланди. Учрашув маҳаллий вақт блан соат 10 дан 30 минут ўтганида бошланиб, соат 12 дан 30 минут ўтганида тамом бўлди. Учрашув тамом бўлганидан кейин, Даунинг-стритдаги музокаралар бугун соат 16 да яна бошланди, деб э'лон қилинди.

Шундан кейин Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчев Буюк Британия ташқи ишлар министри Селвин Ллойд томонида унинг расмий резиденциясида ўзлари шарафига берилган зиёфатда ҳозир бўлдилар.

* * *

ЛОНДОН, 25 апрель. **(ТАСС махсус мухбири).** Илгари хабар берилганидек, Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчев бугун Буюк Британия ташқи ишлар министри Селвин Ллойд ўзининг расмий резиденциясида берган зиёфатда ҳозир бўлдилар.

Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчев зиёфатдан кейин ўз резиденцияси «Клэриж» отелига қайтиб келдилар. Буердан Англия раҳбарлари блан музокараларни давом эттирмоқ учун яна Даунинг-стрит, 10 га жўнадилар. Музокаралар соат 16 да яна бошланиб, соат 18 гача давом этди. Учрашув тамом бўлганидан кейин, Совет Иттифоқи ва Буюк Британия раҳбарлари ўртасидаги музокаралар тугади ҳамда эришилган натижалар тўғрисида 26 апрельда э'лон қилинадиган ахборотда хабар берилади, деб расмий равишда э'лон қилинди.

Кечқурун Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчев Ковент-Гарден король опера театрида бўлиб, буерда саҳнага қўйилган балетни тамошо қилдилар. Машҳур Лондон театри тамошабинлар блан лиқ тўлган эди. Икки мингдан кўпроқ тамошабин ҳозир бўлди. Н .А. Булганин ва Н. С. Хрушчев бош министр Антони Иден блан биргаликда биринчи ярусда, оркестрнинг ўнг томонида король ложасидан жой олдилар. Тамошабинлар меҳмонларнинг пайдо бўлишини қарсаклар блан кутиб олдилар. Тамоша бошланиши олдидан Совет Иттифоқи ва Буюк Британия давлат гимнлари ижро этилди. Король ложасида Буюк Британия ташқи ишлар министри Селвин Ллойд ва Ковент-Гардон театри директорлари кенгашининг раиси лорд Уэйверли ҳам бор эди.

Қўшни ложада маориф министри Д. Экклс, ташқи ишлар давлат министри лорд Рединг, парламентнинг бирқанча а'золари ва Буюк Британиянинг СССРдаги элчиси У Хэйтер бор эди. Совет томонидан СССР маданият министри Н. А. Михайлов, ташқи савдо министрининг ўринбосари П. Н. Кумикин ва СССРнинг Буюк Британиядаги элчиси Я. А. Малик бор эди.

Спектакль программасида учта қисқа балет асари бор эди. Бу асарларни «Седлерс Уэллс» труппасининг артистлари ижро этди. Биринчи бўлиб «Конькида югурувчилар» балети ижро этилди. Бу асар муз устидаги бирқанча рақсни тасвирлаб беради (Мейербер музикаси, инглиз композитори К. Ламберт оркестровкаси). Спектаклнинг иккинчи бўлимида Чайковскийнинг «Оқ куш кўли» балетидан иккинчи акти ижро этилди. Одетта ролида машҳур инглиз балеринаси Марго Фонтейн ўйнади. Шоҳзода Зигфрид ролини балет солисти Майкл Соумс ижро этди. Меҳмонлар ва бошқа ҳамма тамошабинлар ижрочиларга қизғин қарсак чалдилар.

Спектакль охирида «Хоним ва қизиқчи» деган қисқа комикбалет кўрсатилди, (Жузеппе Верди музикаси, инглиз композитори Чарльз Макеррас оркестровкаси). «Конькида юручилар» балетини «Седлерс Уэллс» труппасининг балетмейстери Ф. Элтон, «Оққуш кўли»ни, «Седлерс Уэллс» труппасининг балетмейстери ва директори Нинетто Де Валуа, «Хоним ва қизиқчи» балетини «Седлерс Уэллс» труппасининг балетмейстери Ж. Кренко саҳнага қўйдилар.

Спектакль ғоят манзур бўлди. Спектакль тамом бўлгандан кейин Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчев саҳна орқасига ўтиб, прима-балерина Марго Фонтейнга ва бошқа артистларга жуда яхши ўйнаганликлари учун ташаккур изҳор қилдилар. Совет раҳбарлари артистлар блан суҳбат қилиб, уларга гулдасталар тақдим этдилар.

## Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчевнинг Буюк Британияда бўлиши муносабати блан СССР элчиси Я. А. Малик ҳузурида қабул маросими

ЛОНДОН, 24 апрель. **(ТАСС махсус мухбири).** Бугун кечқурун СССРнинг Буюк Британиядаги фавқулодда ва мухтор элчиси Я. А. Малик СССР Министрлар Совети Раиси Н. А. Булганиннинг ва СССР Олий Совети Президиуми А'зоси Н. С. Хрушчевнинг Буюк Британияда бўлишлари муносабати блан «Клэриж» отелида қабул маросими ўтказди.

Қабул маросимида Буюк Британия Бош министри Антони Иден, муҳрдор лорд ва умум палатасининг раҳбари Р. Батлер, ички ишлар министри Г. Ллойд-Жорж, ташқи ишлар министри Селвин Ллойд, мудофаа министри У. Монктон, лорд-канцлер (лордлар палатасининг раиси) Виконт Килмюр, маориф министри Д. Экклс, адмиратейсвонинг биринчи лорди (денгиз министри) лорд Келкеннин ва кабинетнинг бошқа а'золари ҳамда министрлар, ташқи ишлар бўйича давлат министрлари лорд Рединг ва А. Наттинг, Лондондаги элчилар ва вакиллар, дипломатия корпусининг а'золари, лейбористлар партиясининг кўзга кўринган арбоблари Х. Гэйтскелл, Г. Моррисон, Э. Гуч, лорд К. Эттли, А. Робенс, Э. Шинуэлл, Э. Бивен, парламент а'золари, касаба союзларнинг арбоблари, Кентерберий соборининг бошлиғи Х. Жонсон, Буюк Британия Коммунистик партиясининг бош секретари Г. Поллит, Лондон Ситиси лорд-мэри вазифасини бажарувчи С. Говард, Лондон графлиги Кенгашининг раиси Э. Бентуич хоним, бирқанча инглиз шаҳарларининг мэрлари ва бошқа муниципиал арбоблари, савдо-саноат доираларининг ва турли жамоат ташкилотларининг вакиллари, матбуот вакиллари ҳозир бўлдилар.

Меҳмонлар орасида АҚШ ва Франциянинг БМТ Қуролсизланиш комиссияси Кичик комитетидаги вакиллари Г. Стассен ва Ж. Мок, шунингдек ҳозирги вақтда Лондонда бўлган машҳур кино артисти Чарли Чаплин ҳам бор эди.

Совет томонидан меҳмонлар ўртасида СССР Маданият министри Н. А. Михайлов, СССР Ташқи ишлар министрининг биринчи ўринбосари А. А. Громико, ташқи савдо министрининг ўринбосари П. Н. Кумикин, академиклар А. Н. Туполев ва И. В. Курчатов, СССР Ташқи ишлар министрлигининг коллегия а'зоси Л. Ф. Ильичев, СССР Ташқи ишлар министрлиги 2-нчи Европа бўлимининг мудири В. Я. Ерофеев, СССРнинг Буюк Британиядаги ҳарбий атташеси генерал-майор А. С. Рогов, ҳарбий-денгиз атташеси 1-нчи ранг капитан Н. И. Елисеенко, ҳарбий-ҳаво атташеси полковник А. М. Константинов, СССР элчихонасининг маслаҳатчилари А. А. Рошчин ва П. М. Чернишев ҳамда бошқалар бор эди.

Қабул маросимида жам'и бир ярим мингдан кўпроқ меҳмон ҳозир бўлди. Қабул маросими самимий, дўстона вазиятда ўтди.

## Буюк Британия ташқи ишлар министри Селвин Ллойд ҳузурида зиёфат

ЛОНДОН, 25 апрель, **(ТАСС махсус мухбири).** Бугун Буюк Британия ташқи ишлар министри Селвин Ллойд ўз резиденциясида Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчев шарафига зиёфат берди.

Зиёфатда совет томонидан Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчевдан ташқари яна маданият министри Н. А. Михайлов, ташқи ишлар министрининг биринчи ўринбосари А. А. Громико, ташқи савдо министрининг ўринбосари П. Н. Кумикин, СССРнинг Буюк Британиядаги элчиси Я. А. Малик ҳам ҳозир бўлдилар.

Англия томонидан парламент а'золари — лейбористлар Г. Моррисон ва сэр Х. Шоукросс, либерал партия арбоби лорд Ри, парламент а'зоси — консерватор лорд Лэмбтон, Британия тред-юнионлар конгрессининг бош секретари В. Тьюсон, фельд-маршал лорд Александер Туниский, Британия радио эшитдириш корпороциясининг раҳбарларидан бири А. Кадоган, «Таймс» газетасининг бош редактори У. Хэли, Буюк Британиянинг СССРдаги элчиси У. Хэйтер, ташқи ишлар министрининг доимий ўринбосари А. Киркпатрик, ташқи ишлар министрлигининг мас'ул ходимлари лорд Хоун ва Г. Каччиа ҳамда бошқа кишилар ҳозир бўлдилар.

Зиёфат вақтида Селвин Ллойд ва Н. А. Булганин нутқ сўзладилар.

## Меҳнат соҳасида янги муваффақиятлар учун

СССР тараққиётининг 1951 — 1955 йилларга мўлжалланган бешинчи бешйиллик планининг бажарилиш якунлари тўғрисида матбуотда э'лон қилинган ахборотни Тошкент тўқимачилик комбинатининг коллективи зўр мамнуният блан кутиб олди. Агитаторлар бу ҳужжатни цехларда ўқиб бердилар.

— Бешинчи бешйиллик планнинг бажарилиш якунлари тўғрисидаги ахборот, — деди иккинчи тўқимачилик фабрикасининг мастер ёрдамчиси коммунист М. М. Репин, — совет халқининг коммунизм қуриш йўлида катта ғалабага эришганини кўрсатади. Бу ҳужжатдаги ҳарбир рақам совет кишиларининг шараф блан меҳнат қилганидан далолат беради. Мисол учун ўз комбинатимизни олайлик. Тошкент тўқимачилари ишлабчиқариш технологиясини тинмай такомиллаштириб, станокларни ва машиналарни модернизация қилиб, меҳнат операцияларини бажаришнинг энг янги усулларини эгаллаб, бешинчи бешйиллик план топшириғини ошириб бажардилар ва пландан ташқари қарийб юз миллион сўмлик газлама, ип ва калава бердилар. Бу маҳсулотнинг кўпчилиги тежалган хомаш'ёдан ишлаб чиқарилди.

Лекин совет кишилари эришилган ютуқлар блан қаноатланмайдилар. Коллективимиз эришилган муваффақиятларни мустаҳкамлаб, олтинчи бешйиллик планни муддатидан илгари бажариш фондига ҳозирдаёқ пландан ташқари юз минглаб метр газлама, шунингдек кўп миқдорда бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарди.

Комбинат ишчилари ва мутахассислари энг кам маблағ ва материал сарфлаган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш учун ички резервлардан муваффақиятли суратда фойдаланмоқдалар. (ЎзТАГ).

